

“ТАСДИҚЛАНГАН”
“Үо’lqurilish” АЖ
ягона акциядорининг
2021 йил “ 3 ” май даги
5 – сонли Қарори
16-илова

**“ҮО’LQURILISH” АЖНИНГ ЙИРИК БИТИМЛАРНИ ТУЗИШ
ТАРТИБИ**

МУНДАРИЖА

- I. Умумий қоидалар
- II. Жамиятнинг йирик битимларини аниқлаш ва ўрганиш тартиби
- III. Жамиятнинг йирик битимларини тайёрлаш, маъқуллаш ва тузиш тартиби
- IV. Жамиятнинг йирик битимларни тузиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш
- V. Жамиятнинг йирик битимлари тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш
- VI. Жамиятнинг йирик битимларига доир ҳужжатларни сақлаш
- VII. Жавобгарлик
- VIII. Якуний қоидалар

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу “Yo'lqurilish” АЖнинг йирик битимларни тузиш Тартиби (кейинги ўринларда – Тартиб) Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни (кейинги ўринларда – Қонун), бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, Корпоратив бошқарув Кодекси (Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 31.12.2015йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган) тавсиялари, “Yo'lqurilish” АЖнинг (кейинги ўринларда - Жамият) Устави ва Жамиятнинг бошқа ички ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

2. Ушбу Тартиб Жамиятнинг йирик битимларини аниқлаш тартиб-таомилларига, ўрганишга, тайёрлашга, қарорлар қабул қилишга ва тузишга бўлган асосий талабларни белгилайди.

3. Ушбу Тартиб Жамиятда, шу жумладан Жамиятнинг йирик битимларини тузишда ички назоратнинг самарали тизимини ташкил этиш мақсадида ишлаб чиқилган.

4. Жамиятнинг йирик битимларини тузиш Жамиятнинг муҳим корпоратив ҳаракатлари сирасига киради, йирик битимларни тузиш қонун ҳужжатлари, Жамиятнинг Устави ва ички ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилиши шарт.

II. ЖАМИЯТНИНГ ЙИРИК БИТИМЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА ЎРГАНИШ ТАРТИБИ

5. Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим (шу жумладан қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғланган бир нечта битим, агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан ортигини ташкил этса, йирик битим деб ҳисобланади, кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар ҳамда акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно.

Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига мувофиқ, ягона акциядор Ижроия органининг йирик битимларни мустақил тузиши учун Жамиятнинг жорий хўжалик фаолияти билан боғлиқ битимлар рўйхатини аниқлайди.

Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тайёрлашда Жамиятнинг ушбу жараёнда иштирок этадиган тузилмавий бўлинмалари режа йилида тузилиши режалаштирилаётган йирик битимлар аниқланган тақдирда, ушбу битимлар тўғрисидаги ахборотни ушбу битимлар бўйича ўз вақтида белгиланган тартибда қарор қабул қилиш учун Ижроия органи раҳбарига маълум қилишади.

6. Жамиятнинг йирик битимни тузишида йирик битим предмети бўлган мол-

мулк Жамият томонидан бозор қиймати бўйича бошқа шахсга берилади ёки олинади.

7. Қонунга мувофиқ “Жамиятнинг йирик битими предмети бўлган мол-мулкнинг бозор қиймати деганда мол-мулкнинг энг эҳтимол тутилган нархи тушунилиб, ушбу қиймат бўйича мазкур мол-мулк очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан, тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.”

Жамият мол-мулкининг бозор қийматини аниқлаш учун битимнинг тарафлари томонидан баҳоловчи ташкилот жалб этилиши мумкин.

8. Қонунга мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши мол-мулкнинг бозор қийматини аниқлашни ташкил этади.

Жамият Кузатув кенгаши Ижроия органига бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг бозор қийматини белгиланган тартибда аниқлашни топширади.

9. Жамият томонидан бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг бозор қиймати қуйидагича аниқланиши мумкин:

ёзма сўров юбориш йўли билан биржа котировкаси асосида;

баҳоловчи ташкилот билан тегишли шартнома тузиш йўли билан баҳолаш асосида.

10. Агар акциялар ва корпоратив облигациялар (портфель активлари) Жамиятнинг йирик битими предмети ҳисобланса, Қонунга мувофиқ “Қимматли қоғознинг бозор қиймати деганда энг эҳтимол тутилган нарх тушунилиб, унга кўра мазкур қимматли қоғоз очик бозорда битимнинг тарафлари барча зарур ахборотга эга бўлган ҳолда ўз манфаатлари йўлида оқилона ва ихтиёрий равишда ҳаракат қиладиган рақобат шароитида бошқа шахсга берилиши мумкин, битим нархининг баланд-пастлигида эса бирор-бир фавқулодда ҳолатлар, шу жумладан, тарафлардан бирининг ушбу битимга қўшилиш мажбурияти акс этмайди.

Агар қимматли қоғозлар фонд биржасининг биржа котировкаси варағига киритилган бўлса, уларнинг биржа котировкалари мазкур қимматли қоғозларнинг бозор қиймати деб эътироф этилади.”

11. Жамият томонидан бошқа шахсга берилаётган портфель қимматли қоғозларнинг бозор қиймати қуйидагича аниқланиши мумкин:

фонд биржасининг котировкаси асосида;

баҳолаш асосида.

12. Агар бошқа шахсга берилаётган мол-мулк (кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, моддий активлар ва бошқалар)нинг бозор қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан ортиғини ташкил этса, бундай битим йирик

деб ҳисобланади ва у бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

13. Жамият томонидан олинаётган мол-мулк (кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, моддий активлар ва бошқалар)нинг қиймати қуйидаги тартибда аниқланади:

а) агар Жамият томонидан олинаётган мол-мулкнинг қиймати шартнома тузилган санада Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича 300 АҚШ доллари миқдоридagi суммадан ортмаса, битим таҳлил ўтказиш ва тижорат таклифларини танлаш ва тўғридан-тўғри шартнома имзолаш йўли билан тузилади;

б) агар олинаётган мол-мулкнинг қиймати 300 АҚШ долларидан 100 000 АҚШ долларигача бўлган миқдордаги суммани ташкил этса, битим биржа савдосида биржа савдоларида шаклланган нархлар бўйича амалга оширилади;

в) агар Жамият томонидан олинаётган мол-мулкнинг қиймати 100 000 АҚШ долларидан 5 млн. АҚШ долларигача тенг бўлган суммани ташкил этса, Жамият ташкил этадиган тендер комиссияси томонидан харидлар бўйича тендер ўтказилади;

г) агар мол-мулкни харид қилиш инвестиция лойиҳаси доирасида амалга оширилса ва Жамият томонидан олинаётган мол-мулк 5 млн. АҚШ долларига тенг бўлган суммадан ортса, таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган идоралараро тендер комиссияси томонидан харидлар бўйича тендер ўтказилади;

д) агар мол-мулкни харид қилиш инвестиция лойиҳаси доирасида амалга оширилса ва Жамият томонидан олинаётган мол-мулк 10 млн. АҚШ долларига тенг бўлган суммадан ортса, таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган идоралараро тендер комиссияси томонидан харидлар бўйича тендер ўтказилади ва ваколатли органлар томонидан экспертиза ўтказиш ва инвестиция лойиҳасининг ҳужжатларини тасдиқлаш иши амалга оширилади.

14. Агар қимматли қоғозлар – акциялар, облигациялар мол-мулк харид қилиш бўйича йирик битимнинг предмети ҳисобланса, Жамият томонидан олинаётган қимматли қоғозлар қиймати Биржа савдолари қоидаларига мувофиқ фонд биржаси савдоларида шаклланган нарх бўйича белгиланади.

15. Агар йирик битим қарз, кредит, гаров, кафиллик ҳисобланса, қарзни, кредитни, гаровни ёки кафилликни таъминловчи мол-мулкнинг бозор қиймати аниқланади.

16. Жамият Ижроия органининг раҳбари йирик битимлар сирасига кирадиган шартномаларни аниқлаш бўйича ишни ташкил этади.

Жамиятнинг кутилаётган йирик битимларини аниқлаш Жамият томонидан тузиладиган шартномаларнинг экспертизаси натижасида амалга оширилади.

17. Жамият бухгалтерияси ҳар чорақда ҳисобот давридан кейинги ойнинг

30-санасидан кечиктирмай, Жамият соф активларининг баланс қийматини аниқлайди ва Жамият Ижроия органи, Ички аудит хизмати, корпоратив маслаҳатчи ва Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари эътиборига етказди.

18. Жамият номидан шартномаларни тузишга жалб этилган Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари шартномаларнинг экспертизасини ўтказишда ушбу битим йирик ҳисобланишини текширишади, бунинг учун:

ушбу битимни кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битим сифатида ҳисоблаш мумкин ёки мумкин эмаслигини аниқлашади;

ушбу битим Жамиятнинг акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш ҳисобланишини аниқлашади;

бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг баланс ва бозор қийматини охириги ҳисобот санасидаги (шартномани тузиш санасидаги) бухгалтерлик ҳисоботи маълумотларига мувофиқ ёки шартнома лойиҳасига мувофиқ олинаётган мол-мулкнинг қийматини аниқлашади;

бошқа шахсга берилаётган мол-мулкнинг баланс ва бозор қиймати ёки олинаётган мол-мулкнинг қиймати охириги ҳисобот санасидаги (шартномани тузиш санасидаги) бухгалтерлик ҳисоботи маълумотларига мувофиқ Жамият соф активлари баланс қийматининг 15 (ўн беш) фоизидан ортиши ёки ортмаслигини аниқлашади.

19. Кутилаётган битимда йирик битим аломатлари аниқланганда, Жамиятнинг экспертиза ўтказётган тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари Жамият ижроия органи раҳбарига кутилаётган битим йирик битимлар тоифасига кириши тўғрисида билдиришнома, шунингдек бошқарувнинг қайси органи ушбу йирик битимни амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисидаги хулосаларни тақдим этишади.

20. Йирик битим белгиларига эга кутилаётган битим кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар сирасига кирганлиги ёки Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш ҳисобланганлиги ҳолларида, Жамиятнинг тегишли тузилмавий бўлинмаси битим бўйича ҳужжатларни Жамият юридик хизматига ҳуқуқий экспертиза ўтказиш учун тақдим этади.

Жамият юридик хизмати томонидан йирик битим белгиларига эга кутилаётган битим кундалик хўжалик фаолияти жараёнида тузиладиган битимлар сирасига кирганлиги ёки Жамият акциялари ва бошқа қимматли қоғозларини жойлаштириш ҳисобланганлиги тасдиқланган ва Юридик хизмат томонидан тегишли хулоса тақдим этилган тақдирда, Жамиятнинг ижроия органи раҳбари ушбу битимни тузиш тўғрисида мустақил қарор қабул қилади ёки йирик битим тузиш тўғрисидаги масалани Жамият Бошқаруви муҳокамасига тақдим этади.

21. Йирик битим белгиларига эга кутилаётган битим Жамият Кузатув кенгаши ёки ягона акциядор қарори талаб этиладиган битимлар сирасига кирса, Жамиятнинг тегишли тузилмавий бўлинмаси битим бўйича ҳужжатларни

ва билдиришномани Жамият ижроия органига Ички аудит хизмат ва корпоратив маслаҳатчи билан биргаликда ўрганиш учун тақдим этади.

22. Тегишли тузилмавий бўлинма раҳбарининг ёзма билдиришномасида кўрсатилган йирик битим тўғрисидаги ахборот Жамият ижроия органи, Ички аудит хизмати ва корпоратив маслаҳатчи томонидан ўрганилади.

23. Жамият ижроия органи томонидан йирик битимларни ўрганиш учун Жамиятнинг кутилаётган йирик битимларини ўрганиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи комиссия ташкил этилади.

Комиссия таркибига Жамиятнинг қуйидаги ходимлари киритилади:

Юридик хизмат раҳбари;

Бош ҳисобчи;

ваколатли шахс ёки Жамиятнинг ваколатли тузилмавий бўлинмаси;

Жамиятнинг тузилмавий бўлинмалари раҳбарлари;

Ички аудит хизмати раҳбари;

Корпоратив маслаҳатчи.

Жамият ижроия органи раҳбарининг қарорига кўра ушбу битимни ўрганишга Жамиятнинг бошқа ходимлари, шунингдек Жамият Тафтиш комиссияси ва ташқи аудитор қўшимча равишда жалб этилиши мумкин.

24. Комиссия қуйидаги масалаларни ўрганади:

битим предмети (мол-мулк таркиби, мулкый ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва ҳоказолар);

битим томони (томонлари) ҳисобланадиган шахс (шахслар);

ушбу контрагентнинг нима сабабдан ва қаерда танланганлиги;

битимда (агар мавжуд бўлса) наф олувчи (наф олувчилар) ҳисобланадиган шахс (шахслар);

битимнинг қиймати ким томонидан ва қандай белгиланганлиги;

битим қийматининг мол-мулкнинг бозор қийматига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги;

мол-мулкнинг бозор қиймати қандай аниқланганлиги;

битимнинг бошқа муҳим шартлари (агар мавжуд бўлса);

Жамият бошқарувининг қайси органи кутилаётган йирик битимни маъқуллаши лозим;

бошқа масалалар.

25. Жамият ижроия органи, Ички аудит хизмати ва Жамиятнинг корпоратив маслаҳатчиси томонидан кутилаётган йирик битимни ўрганиш тегишли тузилмавий бўлинма раҳбарининг билдиришномаси ва Жамият юридик хизматининг хулосаси олингандан кейин 3 (уч) иш куни давомида амалга

оширилади.

26. Жамият ижроия органи, Ички аудит хизмати ва корпоратив маслаҳатчи томонидан кутилаётган йирик битимни ўрганиш натижалари баённома билан расмийлаштирилади ва битимни ўрганишда иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади. Баённомада битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ва унинг жамият фаолиятига таъсир кўрсатиш эҳтимоллиги кўзда тутилиши зарур.

III. ЖАМИЯТНИНГ ЙИРИК БИТИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ, МАЪҚУЛЛАШ ВА ТУЗИШ ТАРТИБИ

27. Жамият ижроия органи Жамият Кузатув кенгаши раисини Кузатув кенгаши мажлисини ёки ягона акциядор йиғилишини ўтказиш зарурати тўғрисида хабардор қилади.

28. Кузатув кенгаши раиси қарорига асосан Жамиятнинг йирик битимини маъқуллаш бўйича тезкор қарор қабул қилиш мақсадида Кузатув кенгашининг сиртки мажлиси овоз бериш бюллетенларини ва битим бўйича қўшимча зарур ахборотни тарқатиш йўли билан ўтказилиши мумкин.

29. Ижроия органи қуйидагиларни тайёрлайди ва Жамият Кузатув кенгаши ҳал қилиши учун олиб чиқади:

а) йирик битимни маъқуллаш тўғрисидаги масала, шу жумладан ушбу Тартибнинг 24-бандида кўрсатилган, шунингдек бошқа шахсга берилаётган ёки олинаётган мол-мулкнинг қийматини (пул қийматини) унинг бозор қийматидан келиб чиққан ҳолда, маъқуллаш тўғрисидаги масалалар;

б) йирик битимни маъқуллаш тўғрисидаги қарор лойиҳасини ва Кузатув кенгашининг аъзоларига асосли қарор қабул қилиш учун зарур бўлган қўшимча ахборотни тайёрлайди.

Кузатув кенгашига ва/ёки ягона акциядорга тақдим этиладиган битим бўйича қўшимча ахборот ўз ичига қуйидагиларни олади:

битимни амалга ошириш заруратининг асосланганлиги ва унинг самарадорлиги;

битимнинг Жамият бюджетида (Бизнес-режасида) назарда тутилганлиги тўғрисидаги кўрсатма.

30. Қонунга мувофиқ баланс қиймати ёки олиш қиймати ушбу битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан қабул қилинади.

Кузатув кенгашининг очиқ мажлисини ўтказишда қарор мажлисда ҳозир бўлган Кузатув кенгашининг аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Кузатув кенгашининг сиртки мажлисини ўтказишда қарор Кузатув

кенгашининг барча амалдаги аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Агар йирик битимни амалга ошириш тўғрисидаги масала бўйича Жамият Кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда Кузатув кенгашининг қарори бўйича йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиши учун олиб чиқилиши мумкин.

31. Қонунга мувофиқ баланс қиймати ёки олиш қиймати ушбу битимни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортиғини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

Ижроия органи Жамият Кузатув кенгашининг раисини йирик битимни маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилиш учун ягона акциядор йиғилишини чақириш зарурати тўғрисида хабардор қилади.

Жамият Кузатув кенгаши тақдим этилган ҳужжатларни ўрганиб чиқади ва ягона акциядор йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилади. Кузатув кенгаши ушбу йиғилишнинг ўзида ягона акциядор йиғилишига йирик битимни тузиш мақсадга мувофиқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида тавсиялар беради.

Йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор ягона акциядор томонидан қабул қилинади.

32. Йирик битим Жамият кузатув кенгаши ёки ягона акциядор ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан ва тегишли баённома имзоланганидан кейин Жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади.

33. Йирик битим Жамият аффилланган шахсларининг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битим ҳисобланган тақдирда, ушбу битимни тузишда аффилланган шахслар билан битимлар тузиш тартиби тўғрисидаги низом ҳам қўлланилади.

Агар бир вақтнинг ўзида Жамият аффилланган шахсининг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битим ҳисобланган йирик битим суммаси Жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 фоизигачасини ташкил этса, қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

Бир вақтнинг ўзида Жамият аффилланган шахсининг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битим ҳисобланган йирик битим суммаси Жамият соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 фоизигачасини ташкил этган ва бунда Кузатув кенгашининг икки аъзоси битимдан манфаатдор ҳисобланган тақдирда, қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Агар бир вақтнинг ўзида Жамият аффилланган шахсининг манфаатдорлиги мавжуд бўлган битим ҳисобланган йирик битим суммаси Жамият соф активлари миқдорининг 50 (эллик) фоизидан ортиғини ташкил этса, қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

34. Қонун талаблари бузилган ҳолда тузилган йирик битим суд қарорига

кўра ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

IV. ЖАМИЯТНИНГ ЙИРИК БИТИМЛАРНИ ТУЗИШ ТАРТИБИГА РИОЯ ЭТИЛИШИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

35. Жамиятнинг йирик битимларни тузиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш Ички аудит хизмати ва Жамият Тафтиш комиссияси томонидан амалга оширилади.

36. Жамият ички аудит хизмати Жамиятнинг молия-хўжалик операцияларини мунтазам равишда текширишда ва Жамиятнинг кутилаётган йирик битимини Жамият ижроия органи билан биргаликда ўрганишда Жамиятнинг йирик битимларни тузиш тартибига риоя этилиши бўйича жорий назоратни амалга оширади.

Ички аудит хизмати томонидан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Тартибда белгиланган тартибда уларнинг маъқуллашисиз йирик битимларни тузиш фактлари аниқланганда, Ички аудит хизмати раҳбари аниқланган фактлар ҳақида Кузатув кенгашига ва Ижроия органи раҳбарига ҳисобот беради.

Жамиятнинг бошқарув органлари хилоф иш тутганларга нисбатан тегишли чоралар кўради.

37. Жамият тафтиш комиссияси Жамиятнинг йирик битимларни тузиш тартибига риоя этилишини келгусида назорат қилинишини амалга оширади.

Жамият тафтиш комиссияси ҳисобот чорагида Жамият томонидан тузилган шартномаларни ҳар чоракда ўрганади, ҳисобот чорагида Жамиятда йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлайди.

Жамият тафтиш комиссиясининг ушбу хулосаси ҳар чоракда Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқилади.

Тафтиш комиссияси томонидан Жамиятнинг бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият яқунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текширишни амалга оширишда Тафтиш комиссияси шунингдек, текширилаётган даврда Жамиятда йирик битимлар мавжудлиги, шунингдек қонун ҳужжатларининг ва Жамият ички ҳужжатларининг (шу жумладан, ушбу Тартибнинг) бундай битимларни тузишга доир талабларига риоя қилиниши тўғрисидаги хулосани тайёрлайди.

Жамият Тафтиш комиссиясининг йил яқунлари бўйича Жамиятнинг йирик битимлари тўғрисидаги хулосаси ягона акциядор йиғилишида эшитилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг молия-хўжалик фаолиятини текширишнинг бошқа давридаги йирик битимлар тўғрисидаги хулосаси Жамият Кузатув кенгашининг мажлисига олиб чиқилади.

V. ЖАМИЯТНИНГ ЙИРИК БИТИМЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ АХБОРОТНИ ОШКОР ЭТИШ

38. Жамият йирик битимлар тўғрисидаги ахборотни:

йиллик ҳисоботда;

муҳим фактларда ошкор этади.

39. Жамиятнинг ҳисобот давридаги йирик битимлари тўғрисидаги ахборот, шу жумладан битим предмети ва суммаси, битимнинг контрагенти ва йирик битимда эмитентнинг ким (беғоналаштирувчи ёки олувчи) эканлиги тўғрисидаги ахборот ушбу Тартибнинг 1-иловасига асосан йиллик ҳисоботнинг бир қисми ҳисобланади.

Жамият йиллик ҳисоботни қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида ягона акциядор йиғилиши ўтказилгандан кейин 2 (икки) ҳафта давомида жойлаштириш йўли билан ошкор этиши шарт.

40. Жамият йирик битим тузишда бу ҳақдаги ахборотни ушбу Тартибнинг 2-иловасига мувофиқ шаклдаги 20-сонли “Эмитент томонидан йирик битим тузилиши” муҳим фактида ошкор этади.

20-сонли “Эмитент томонидан йирик битим тузилиши” муҳим факти ҳақидаги хабар қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида у юз берган санадан эътиборан 2 (икки) иш куни ичида ошкор этилади.

Жамият томонидан йирик битим тузилган сана муҳим факт юз берган вақт бўлиб ҳисобланади.

41. Жамият ягона акциядорининг талабига кўра 3 (уч) иш кунида йирик битим тўғрисидаги тегишли ахборотни уларга тақдим этиши шарт.

42. Жамият қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органининг талабига кўра йирик битимлар тўғрисидаги ахборотни конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этади.

VI. ЖАМИЯТНИНГ ЙИРИК БИТИМЛАРИГА ДОИР ҲУЖЖАТЛАРНИ САҚЛАШ

43. Жамиятнинг йирик битимларига доир ҳужжатлар Жамиятнинг ички ҳужжатлари ҳисобланади ва Жамиятнинг жойлашган ерида сақланади.

Жамиятнинг йирик битимларига доир ҳужжатлар улар тузилган молиявий йил тугагандан кейин Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни яқунлаш шарти билан 5 (беш) йил давомида сақланади.

44. Жамиятнинг йирик битимларига доир ҳужжатлар махфий ахборот ҳисобланади.

Жамиятнинг йирик битимларига доир ахборот ва ҳужжатлар Жамият ягона акциядорининг талабига кўра Қонунда белгиланган тартибда тақдим этилади.

Жамиятнинг йирик битимларига доир ҳужжатлар ваколатли давлат органларига конун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилади.

VII. ЖАВОБГАРЛИК

45. Жамиятнинг ваколатли шахси ёки ваколатли тузилмавий бўлинмаси Жамиятнинг йирик битимларини ҳисобга олишни ташкил этиш ва йирик битимлар ҳақидаги ахборотни ўз вақтида ошкор этиш бўйича жавобгар ҳисобланади.

46. Йирик битимни ўрганишни амалга оширган шахслар битим бўйича хулоса ва яқунларнинг ишончилиги учун жавобгар бўлади.

47. Жамият ижроия органи йирик битимларни тузиш тартибига риоя этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

Шунингдек, Жамият Кузатув кенгаши ҳам йирик битимларни тузиш тартибига риоя этилиши учун жавобгар ҳисобланади.

48. Жамият Жамиятнинг йирик битимлари ҳақидаги ахборотнинг ўз вақтида ошкор этилиши учун қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

49. Ушбу Тартиб Жамият ягона акциядори қарори билан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

50. Ушбу Тартибга қонун ҳужжатлари ўзгартирилганлиги, Жамият Уставига, Жамиятнинг ички ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан ва бошқа ҳолларда ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин.

Ушбу Тартибга киритилган ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар ягона акциядор қарори билан тасдиқлангандан кейин кучга киради.

51. Агар ушбу Тартибнинг алоҳида бандлари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки Жамият Уставига зид келган тақдирда, ушбу бандлар ўз кучини йўқотади ҳамда ушбу Тартибга тегишли ўзгартиришлар киритилгунга қадар, бу бандлар орқали тартибга солинадиган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва/ёки Жамият Устави меъёрлари қўлланилади.

ҲИСОБОТ ЙИЛИДА ТУЗИЛГАН ЙИРИК БИТИМЛАР РЎЙХАТИ					
14. N	Битим тузилган сана	Контрагентнинг Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи	Битим предмети	Суммаси	Эмитент битим бўйича ким ҳисобланади (товар ва хизматларни оловчи/бегоналаштирувчи)
1					
2					

ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ		
1.	Тўлиқ:	
	Қискартирилган:	
	Биржа тикерининг номи:*	
АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ		
2.	Жойлашган ери:	
	Почта манзили:	
	Электрон почта манзили:*	
	Расмий веб-сайти:*	
МУҲИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ		
3.	Муҳим фактнинг рақами:	20
	Муҳим фактнинг номи:	Эмитент томонидан йирик битим тузилиши
	Контрагентнинг Ф.И.Ш. ёки тўлиқ номи:	
	Контрагентнинг жойлашган ери (почта манзили):	
	Эмитентнинг битим бўйича қарор қабул қилган органи:	
	Қарор қабул қилинган сана:	
	Эмитент соф активларининг битим тузиладиган санадан олдинги чорак якунидаги қиймати (минг сўмда):	
	Битим суммаси (сўмда):	
	Битимнинг эмитент соф активларидаги миқдори (%да)	
	Битим тузилган сана:	
	Битим тури:	
	Битим предмети:	
	Битим бўйича эмитент ким ҳисобланади:	Оловчи Бегоналаштирувчи

Ижроия органи раҳбарининг Ф.И.Ш.: _____

Бош бухгалтернинг Ф.И.Ш.: _____

Веб-сайтда ахборот жойлаштирган
ваколатли шахснинг Ф.И.Ш.: _____;